

ЖИНОЯТ САБАБИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

*Насритдинов Азизхон Анварович**

Аннотация. Мақолада жиноятларнинг олдини олиш ишлари соҳа олимларининг фикрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммолар асосида таҳлил қилинган, уларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, шунингдек тергов органларининг жиноятларни олдини олиш жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган. Тергов органлари томонидан аниқландиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар бартараф қилиш механизмига алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хулоса қисмида жиноятларнинг олдини олишда янги механизмни ташкил қилиш ва уни самарали режалаштириш, жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.

Калит сўзлар: жиноят сабаби, жиноятни содир этилишига имкон берган шарт-шароит, оқибат, объектив сабаб, субъектив сабаб, ҳодисаларнинг сабабий занжири, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, тергов профилактикаси, тақдимнома, жиноят муҳокамаси.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРИЧИНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ И УСЛОВИЙ, СПОСОБСТВУЮЩИХ ЕГО СОВЕРШЕНИЮ

Аннотация. В статье анализируется профилактическая работа следственных органов на основе мнений ученых-практиков и существующих проблем в правоприменительной практике, их осмысления, изучено содержание, а также нормативные правовые документы, регулирующие процесс профилактики правонарушений следственных органов. Особое внимание уделено механизму устранения причин преступлений и условий, сделавших их возможными. В заключительной части статьи поясняется, что организация нового механизма предупреждения преступлений и его эффективное планирование имеют важное значение для раннего предупреждения преступлений.

Ключевые слова: причина преступления, условия, позволившие совершить преступление, следствие, объективная причина, субъективная причина, причинно-следственная цепь событий, предупреждение преступности, виды предотвращения преступления, предупреждение расследования, представление, уголовный процесс.

THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE CAUSE OF THE CRIME AND THE CONDITIONS THAT ENABLE IT TO BE COMMITTED

Annotation. The article analyzes the crime prevention work of investigative bodies based on the opinions of field scientists and existing problems in the practice of law enforcement, their understanding, content, as well as regulatory legal documents

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси. azizxonnasritdinov1989@gmail.com

regulating the crime prevention process of investigative bodies were studied. Particular attention is paid to the mechanism of elimination of the causes of crimes and the conditions that made them possible. In the concluding part of the article, it is explained that the organization of a new mechanism for the prevention of crimes and its effective planning are important for the early prevention of crimes.

Key words: cause of crime, conditions that allowed the commission of a crime, consequences, objective cause, subjective cause, causal chain of events, crime prevention, types of crime prevention, investigative prevention, presentation, criminal discussion.

Жиноят сабаби ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар нафақат жиноят процесси, криминология, криминалистика фанларида, шу билан бирга психология, фалсафа кабиқатор ижтимоий фанлар орқали ҳам ўрганилади. Шу нуқтаи-назардан жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини батафсил ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш ҳам ҳуқуқий, ҳам психологик, ҳам фалсафий, шунингдек ижтимоий ёндашувларни талаб қилади.

Жиноят сабаби ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш бугунги кунда ҳар бир жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ҳам бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда¹. Албатта, жиноятларни профилактика қилиш самарадорлиги жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолиятига бевосита боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, жиноятларнинг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тизимли ўрганиш, уларни тадқиқ этиш, тадқиқотлар асосида профилактик фаолиятни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тадқиқ этар эканмиз, энг аввало, “сабаб” ҳамда “шароит” сўзларининг луғавий маъноларига тўхталиб ўтиш лозим. “Сабаб” сўзи тилимизда бир қатор маъноларда қўлланилади, яъни бирор иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа воқеа; бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарсаси; бирон бир вақт мобайнида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса². “Шароит” сўзи эса объектив ҳолдаги муайян вазият, бирор нарсанинг бўлишига таъсир этувчи ҳолат, имконият сифатида изоҳланади³. Мазкур тушунчалар луғавий маъноларига кўра ҳам ўзаро узвий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳ

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. Т-3. Б-
408.

³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Т-4. Б-
к

боғлиқ.

Жинойят сабаби, ўз навбатида, муайян шароитларда маълум бир оқибатларни келтириб чиқаради. Сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги, бу икки воқеъликнинг эса шароит билан узвий алоқада эканлиги қонуният жинойтчиликни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Профессор Профессор З.Зарипов жинойтнинг сабаблари ва шарт-шароитларини куйидагича тавсифлаган, яъни “жинойтчилик сабаблари ижтимоий-психологик воқеълик сифатида жинойтчилик ҳамда жинойтларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир, жинойтчиликнинг шароитлари эса ўзига хос равишда унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади”⁴. Ушбу ўринда муаллиф жинойтчиликнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайдиган сабаб ва шароитнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, ҳар қандай шароитнинг ўзи мустақил жинойтчилик ва жинойтни келтириб чиқармаслигини, шароит мавжуд бўлган ҳолда бирор-бир жинойт сабабсиз содир бўлмаслигини аниқ ва равшан ифодалаб берган. Жинойтларнинг сабаблари ўрганилганда, уларнинг содир этилишига баъзан биргина сабаб, ёхуд давомий сабаблар асос бўлган. Муайян бир жинойтга олиб келган сабаблар кетма-кетлиги, айниқса, маиший турмуш соҳасидаги, оилавий келишмовчиликлар, тан жароҳатлари билан боғлиқ жинойтларда яққол намоён бўлади.

В.Малкова жинойтнинг сабаб ва шароитларини ўзига хос тарзда талқин қилган, яъни унинг фикрича жинойтнинг сабаби деганда шундай воқеа ёки ҳодиса тушуниладики, бундай ҳодисалар муайян шароитларда оқибатни келтириб чиқарадиган бошқа ҳодисаларни пайдо қилади. Жинойтнинг шароитлари эса ижтимоий ҳаётдаги турли ҳолатлар бўлиб, улар мустақил жинойтларни келтириб чиқармайди, балки унинг келиб чиқишига, содир бўлишига кўмаклашади, имкон яратади⁵.

Юқорида қайд этиб ўтилган таърифларда жинойтнинг содир этилишига “сабаб”, “шароит” ҳамда “оқибат” тушунчалари ўзаро бири иккинчисига узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, ҳодисаларнинг сабабий боғланиши одатда бир ҳодисанинг бошқа бир ҳодисани келтириб чиқаришида намоён бўлади. Ҳар қандай ҳодиса замирида муайян сабаб ётади, бу эса сабабсиз ҳодисалар бўлмаслигини англатади. Албатта, жинойтга имкон берган сабаб ва шароитнинг муайян вақтда ҳаракатга келтирилиши жинойт оқибатни юзага келтиради.

Жинойт содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар объектив ва муқаррар равишда жинойтнинг содир этилишига олиб келадиган, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар мажмуидир⁶. Муаллифнинг мазкур таърифи, бизнингча, жинойт-процессуал нуктаи-назардан ёндашилганда ўринли ҳисобланади. Чунки жинойт содир этилишига имкон берган сабаблар занжири узун ёхуд қисқа бўлиши мумкин, яъни бир жинойтнинг сабаблари маълум бир

549.

⁴Қаранг: Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 65.

⁵ Криминология: Учебник// под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр. -44.

⁶ Нёматов, Азизбек. "ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ." Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences 1.3 (2022): 7-10.

шарт-шароитларда жиноий оқибат келтириб чиқаргунига қадар узоқ вақт давомида етилиб, такрорланиб келган бўлиши ёхуд келиб чиққан жиноий оқибатга ўша онда имкон берган ва юзага келтирган сабаблар бўлиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан жиноий оқибатни аввалги ҳодисаларнинг сабабий занжири оқибати деб баҳолашимиз мумкин.

Жиноят процессуал соҳа олимлари ва мутахассислари жиноятнинг сабаблари ва асосларини жиноят белгиларининг мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар сифатида таърифлашган⁷. Фикримизча, мазкур таъриф жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи-назаридан аниқ ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, жиноят белгилари мавжуд ҳолатлар жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлади, шунга мувофиқ унинг сабаб ва шароитлари ўрганилади.

Жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларнинг ўзига хос психологик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу шахс, унинг иродаси, ирода эркинлиги билан боғлиқ. Маълумки, инсон атрофида кечаётган ҳодисалар, жараёнлар унга таъсир этади, айтилиб бундай ҳодиса ва жараёнларга унинг ўзи ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, бундай вазият ҳар икки ҳолат ўртасидаги сабабий боғлиқликка асосланади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг барча сабаб ва шароитлари инсон психологияси ва онгига таъсир кўрсатиб, унда ғайриижтимоий қарашларни, хулқ-атвори шакллантиради ёки уларни озиклантиради, кучайтиради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамма вақт ижтимоий психологик хусусиятга эга бўлади. Р.Душановнинг таъкидлашича, жиноятчи шахснинг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф-муҳитдаги воқеълик, инсонлар, жамият, давлат, қонун, меҳнат ва ҳоказоларга муносабатини билиш лозим. Ҳар қандай жиноий фаолият кўп жиҳатдан жиноят содир этган шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларига узвий боғлиқдир. Қонунга итоат қиладиган ва ўзини ўзи юксак даражада бошқара оладиган ҳалол инсон учун «жиноий» вазиятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у фақат ғайриижтимоий феълга эга бўлган шахснинг муайян қарашлари ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин, холос⁸. Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган салбий ҳодиса, воқеа, жараёнлар келтириб чиқаради. Ҳар қандай жамиятда, унинг ривожланишининг барча босқичларида ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар мавжуд, лекин улар турли даражада бўлади. Ҳар қандай муайян жиноят содир қилиниши асосида ётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, кўникмалар, ниятлар, хулқ-атвор субъектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Шахсдан ташқарида бўлган ва унинг психологиясига таъсир қилиб, унда ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, хулқ-атвори шакллантирадиган, уни мустаҳкамлайдиган ҳодиса, воқеа, жараёнлар эса объектив сабаб ва шароитлар деб аталади.

⁷ Раҳмонкулов А.Х., Миразов Д.М., Шарафутдинов А.О. ва бошқ. Дастлабки тергов: ИИБ Академияси учун дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – Б.- 301.

⁸ Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма / - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2011. -Б. 15.

Жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларни таснифлаш жиноятлар профилактикасида муҳим аҳамият касб этади. Бундай таснифлаш профилактик фаолиятнинг йўналишларини белгилаш, аниқ вазифалар ишлаб чиқиш, профилактик фаолиятнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга имкон яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг сабаблари ва шароитлари юзасидан олим ва мутахассислар томонидан тизимли ўрганишлар олиб борилади. Профессор З.Зарипов жиноятга имкон берган сабаб ва шароитларни миқёсига кўра, мазмунан ҳамда ўз табиати ва баъзи хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилишини қайд этган. Муаллиф жиноятнинг сабаб ва шароитларини миқёсига кўра жиноятчиликнинг умумий ҳолати бўйича, жиноятларнинг турлари бўйича, алоҳида олинган жиноятлар бўйича каби таснифлаган⁹. Шу билан бирга профессор З.Зарипов жиноятларни юзага келтирувчи криминоген-детерминантлар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, сиёсий, ижтимоий-руҳий, тарбиявий, ижтимоий бошқарув йўналишидаги сабаб ва шароитлардан иборат бўлиши мумкинлигини қайд этган.

Қ.Абдурасулова ва С.Ниёзова, жиноятчилик сабабларининг таснифини жами олти гуруҳга ажратишган. Биринчи гуруҳга кўра умуман жиноятчилик сабаблари (барча жиноятларнинг умумий сабаблари); жиноятлар турли тоифаларининг сабаблари (махсус сабаблар); муайян жиноятларнинг сабаблари киритилган. Жиноятчилик сабабларининг иккинчи таснифи муайян сабаблар намоён бўладиган ижтимоий ҳодисаларнинг мазмуни ва хусусиятига асосланиб унда тўрт йўналиш мавжуд, яъни ижтимоий-иқтисодий сабаблар; мафкуравий сабаблар (ушбу гуруҳга маданий-тарбиявий сабаблар ҳам киради); ташкилий-бошқарув сабаблари; ижтимоий-психологик сабаблар. Жиноятчилик сабабларининг учинчи таснифи сабабларни тўлиқлик ва ўзига хослик белгиларига қараб гуруҳлашнинг мақсадга мувофиқлигига асосланади. Бунда жиноятчиликнинг “тўлиқ сабаби”ни қуйидагилар тавсифлайди, яъни барча ижтимоий ҳодисалар ва фактлар мажмуи; улар ҳар хил хусусиятга эгалиги (яъни ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик ҳодисалар ва омиллар); ҳодисалар ва омиллар жиноятчиликда ҳар хил тарзда намоён бўлиши (яъни асосий, иккинчи даражали, бевосита ва билвосита ҳодисалар ва омиллар). Жиноятчилик сабабларининг тўртинчи таснифи жиноятчиликка ижтимоий омилларнинг “таъсир механизми”га асосланади. Бу ерда жиноятчилик сабаблари ва унга имконият яратувчи шарт-шароитлар фарқланади. Сабаблар асосан шахснинг ғайриижтимоий қарашлари ва одатлари жиноятчилик сабабларига киради. Бунда сабаб ва оқибат боғланиши қуйидаги кетма-кетликда намоён бўлади: ҳаёт ва тарбия тафсилотлари – шахснинг ўзига хос хусусиятлари – муайян вазиятдаги ҳулқ-атвор хусусиятлари. Жиноятчилик сабабларининг бешинчи таснифи сабабларни объектив, объектив-субъектив ва субъективга ажратишга асосланади. Мавжудлиги шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабаблар объектив сабаблар ҳисобланади. Субъектив сабаблар одамлар, уларнинг бирлашмалари хоҳиш-иродаси ва фаолияти билан белгиланади. Жиноятчилик сабабларининг олтинчи таснифи ижтимоий-

⁹Қаранг: Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 67.

иктисодий тузумнинг, жамиятнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Муаллифлар жиноятчилик сабабларини бошқа бир қанча мезонларга кўра ҳам таснифлашган, яъни жиноятчилик сабабларининг манбалари сонига кўра, бир омилли ва кўп омилли сабаблар; жиноий хулқ-атвор турлари ва хусусиятига кўра; жиноятларнинг оқибатлари хусусиятига кўра (ўта оғир, оғир, унча оғир бўлмаган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва ҳ.к.); улар намоён бўлган соҳаларга кўра; жиноят содир этган шахсларнинг белгиларига қараб таснифлаш мумкин (масалан, маҳкумлар орасидаги жиноятчилик, вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик, мансабдорлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ва ҳ.к.); жамиятнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади¹⁰. Таъкидлаш лозимки, жиноят содир этилиши имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни юқорида қайд этилган йўналишларга мувофиқ таснифлаш назарий ҳамда амалий жиҳатдан профлиактик фаолиятнинг механизмларини янада аниқроқ ва батафсилроқ ишлаб чиқишга ёрдам бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Таснифлар қаторига жиноятчиликка сабаб бўладиган назоратсизлик, лоқайдлик, совуққонлик каби омилларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, таснифи ва аҳамияти хусусида ўрганилган муҳим маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, жиноятчилик сабаблари атроф-муҳитда кечаётган ўзига хос жараёнлар тизими бўлиб, мавжуд ижтимоий-психологик воқеъликлар ўртасидаги сабабий боғланиш асосида жиноий оқибатни келтириб чиқаради;

иккинчидан, жиноятчилик сабаблари маълум вақт оралиғида шаклланган, ривожланган, этилган кўп омилли, яъни сабаблар занжири сифатида ёки қисқа вақт оралиғида маълум бир аниқ воқеълик таъсирида пайдо бўлган бир омилли сабаблардан иборат бўлади;

учинчидан, жиноят содир бўлишига имкон яратган шароитлар унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштиради ёхуд жиноятнинг сабаблари юзага чиқиб фаол ҳаракатга келиши учун қулай фурсат, қулай вақт омили сифатида намоён бўлади. Бу эса муайян турдаги жиноятлар фаоллашувига олиб келаётган шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш, бартараф қилиш вазифаларини тақозо қилади. Бу орқали, муайян ҳудудда жиноятларнинг ўсиш динамикаси асосида жиноят содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади. Бундай профилактик фаолият такрорий жиноятлар, шунингдек бир турдаги жиноятларга йўл қўймасликда самарали ҳисобланади. Масалан, автомашинадан ўзгалар мулкани ўғирлик йўли билан талон-тарож қилиш жиноятларига йўл қўймаслик мақсадида автотураргоҳларга кузатув камераларини ўрнатиш, ўз навбатида, бундай турдаги жиноятларни барвақт олдини олиш, жиноятни содир этиш учун имкон берадиган мавжуд шароитларни олдиндан бартараф қилишни таъминлайди. Жиноятларни барвақт олдини олишда ушбу йўналишининг муҳим жиҳати ҳар бир жиноят учун ўзига хос бўлган шароитларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Жумладан, жамоат

¹⁰Қ. Абдурасулова, С. Ниёзова. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: магистратура йўналиши учун ўқув қўлланма / Тошкент давлат юридик институти, 2005. Б. - 40

транспортида йўловчиларнинг меъёрдан ортиқ бўлиши, тикилинч шароитда киссавурлик жиноятлари учун қулай шароитни юзага келтириши мумкин;

тўртинчидан, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини таснифлаш профилактик фаолиятни зарур ахборотлар билан таъминлашнинг бирламчи воситаси, бу эса ушбу фаолиятни самарали режалаштириш, жиноятларни барвақт олдини олиш имкониятларини яратади;

бешинчидан, жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг қайд этиб ўтилган таснифлари асосида ўрганиш, жиноятларни тергов қилиш даври мобайнида тергов профилактик фаолиятни тизимлаштириб, такомиллаштириш, жиноятларни барвақт олдини олиш фаолиятида давлатва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар билан ҳамкорликнинг самарали йўналишларини, механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда жиноятлар профилактикаси, хусусан жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаблар ҳамда шарт-шароитлар тўғрисидаги дастурлар ишлаб чиқиб намоиш этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, огоҳликка чақириш орқали виктимологик профилактикани ташкил қилишда асос сифатида хизмат қилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. (Decree President of the republic of Uzbekistan “On the strategy of action for the further development of the republic of Uzbekistan”)

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. Т-3. Б-408. (Explanatory dictionary of the Uzbek language. T.: “National encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2007. V-3. P-408.)

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Т-4. Б-549. (Explanatory dictionary of the Uzbek language. T.: “National encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2007. V-4. P-549.)

4. Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006. – Б. 65. (Criminology: textbook / Zaripov Z.S., Pulatov Yu.S., Avanesov G.A. other. Edited by prof. Z. Zaripov. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2006. P-65.)

5. Криминология: Учебник// под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр. -44. (Criminology: Textbook // ed. prof. Malkova V.D. - Moscow .: 2004 p. -44)

6. Неъматов А. ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 7-10.

7. Рахмонкулов А.Х., Миразов Д.М., Шарафутдинов А.О. ва бошқ. Дастлабки тергов: ИИБ Академияси учун дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси, 2019. – Б.- 301. (Rakhmonkulov A.Kh., Mirazov D.M., Sharafutdinov A.O. other. Preliminary investigation: A textbook for the Academy of the Ministry of Internal Affairs. T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2019 .- P. - 301.)

8.Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма / - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2011. -Б. 15.(DushanovR.Kh. Psychology of a criminal: Textbook / - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2011. P.- 15.)

9.Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006. – Б. 67. (Criminology: textbook / Zaripov Z.S., Pulatov Yu.S., Avanesov G.A. other. Edited by prof. Z. Zaripova. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2006. P-67.)

10.Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: магистратура йўналиши учун ўқув қўлланма / Тошкент давлат юридик институти, 2005. Б. – 40. (Q. Abdurasulova, S. Niezova. Crime and personality problems of a criminal: a textbook for magistracy / Tashkent State Law Institute, 2005. P. - 40.)